

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

СИРОЖИДДИНОВА ИРОДА МАХАММАДОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ-
ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Сирожиддинова Ирода Махаммадовна

Олий таълим муассасалари талабаларининг касбий-ижодий қобилиятларини
ривожлантириш.....3

Сирожиддинова Ирода Махаммадовна

Развитие профессионально-творческих способностей у студентов высших
учебных
заведений.....22

Sirozhiddinova Iroda Makhammadovna

Development of professional and creative abilities of students of higher
educational institutions.....42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publication.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

СИРОЖИДДИНОВА ИРОДА МАХАММАДОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ-
ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Ped1391. рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси www.tdpu.uz ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Исакулова Нилуфар Жаникуловна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Чирчиқ давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 24 12 соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел. (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.:99871 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2020 йил 14 12 да тарқатилди.

(2020 йил 14 " 12 да 30 рақамли реестр баённомаси)

Р.Х.Джураев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., проф.

Р.Г.Исмаилов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, пед.ф.д.

А.А.Махмудов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қўшма илмий семинар
раиси, пед.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон олий таълим муассасаларида талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг креатив механизмлари таълим жараёнига тадбиқ этилган. Бу борада олий таълим муассасаларида талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш, таълим жараёнини моделлаштириш, электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш, замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш, талабаларда креатив компетентликни ривожлантириш, талабаларнинг «тьютор-талаба» ташкилий-методик ёрдам тизимини жорий этиш, мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Дунёда олий таълим муассасаларида талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш, таълим жараёнини медиатеchnологиялар асосида ташкил этиш, касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан касбий муаммолар, илмий фаразларни текшириш, касбий муаммоларни аниқлаш, мустақил фикрлаш таълим стратегияларини белгилаш, касбий-ижодий қобилиятларни узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш, дифференциал ёндашувни ташкил қилиш, талабалар жамоасида ҳамкорликни шакллантиришнинг кооператив, ўқув-мунозарали ва медиация (холис хизмат муҳити устувор) таълимини шакллантириш, e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамиз олий таълим муассасалари талабаларининг креатив салоҳиятини ошириш, касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш, мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантириш, ўқув режа, дастур ва адабиётлар яратиш тизимини янада такомиллаштиришнинг ҳуқуқий меъёрий асослари яратилди, таълим тизимини моддий техник базаси ривожлантирилди. “Олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш”¹. каби вазифалар белгиланган. Бунда талабаларда касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришда когнитив-информацион, шахсий, маданият, компетенциявий парадигмалардан фойдаланиш, ўқитиш сифати диагностикасини амалга ошириш, танқидий фикрлаш ва ривожлантирувчи таълим технологияларини лойиҳалаштириш, замонавий мутахассисларни

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5847-сон Фармони

тайёрлашда олий таълим ва ишлаб чиқаришдаги синергетик интеграцияни амалга ошириш шароитлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳукукий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари Ш.С.Абдураимов, Р.А.Абдухаиров, О.Х.Авазбоев, Р.Ҳ.Джураев, Р.Г.Исянов, Н.А.Муслимов, Д.Н.Маматов, П.Т.Мағзумов, Н.Сайидахмедов, Ў.Қ.Толипов, У.Нишоналиев, А.Р.Ходжабоев, С.Ш.Шарипов, К.Давлатов, Г.С.Насриддинова, Н.Ш.Шодиев, Р.К.Чориевларнинг тадқиқотларида ёритилган.

МДҲ мамлакатларида илмий изланиш жараёнида педагог маҳоратини шакллантириш борасидаги концепциялар П.Р.Атутов, Э.А.Гришин, Ю.К.Васильев, В.А.Крутецкий, Н.В.Кузьмина, Л.М.Митина, В.А.Сластенин, А.И.Щербакова, шахснинг шаклланиши ва унинг моҳиятини ёритувчи психологик назариялар А.Абульханова-Славская, А.А.Леонтьев, А.Н.Леонтьев, В.С.Мерлин, С.Л.Рубинштейн, педагогнинг касбий маданиятини шакллантиришнинг назарий ғоялари В.С.Библер, Л.П.Буюева, Н.Д.Никандров, В.А.Кан Калик, Г.В.Платонов, ўқитувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириш С.Я.Батышев, В.С.Безрукова, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина, А.К.Маркованинг тадқиқот ишларида моҳияти ва мазмуни ўрганилган.

Европа мамлакатларида C.Rogers, H.J.Freiberg, T.Barrett, R.Donnelly, Afzal Sadat Hosseinia, Norman Jackson, Martina Blašková, Mark McMahon,

Andrew Ewing, Robyn Philip B.A., Ed. Grad Diplar tomonidan шахснинг ижодкорлиги бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон машинасозлик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда олий таълим ва ишлаб чиқаришнинг синергетик интеграциясини яратиш (SYNERGY)» номли халқаро илмий-амалий лойиҳаси (2018-2020 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасалари талабаларининг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасалари талабаларида касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг педагогик-психологик имкониятларини ташкил этиш, муаммонинг мавжуд ҳолатини ўрганиш;

олий таълим муассасаси талабасининг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг акмеологик моделини такомиллаштириш;

талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш мезонларини касбий билимларни ўқитишнинг вариатив ва инвариатив дидактик функциялари асосида ривожлантириш;

олий таълим муассасаси талабасининг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш босқичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасалари талабаларини касбий иждодий қобилиятларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Андижон машинасозлик институти, Жиззах политехника институти ҳамда Тошкент давлат техника университетларидан жами 448 нафар талабалар иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасалари талабаларининг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланди: назарий (тахлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари талабаларининг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологияси (тайёргарлик, маслаҳат, якуний) касбий омиллар (ижтимоий, маданий, мотивацион) ва касбий-ижодий қобилиятлар интеграцияси асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари талабаларининг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг акмеологик мезонлари (касбий мотивация, шахсий-касбий сифатлар, ўзини ўзи бошқариш, рефлексивлик, креативлик) касбий компетенцияни шакллантириш стратегиялари (муаммоли, интерфаол, ижодий, имитацион, амалий, рефлексив) креатив йўл харитасига праксеологик (амалий, рационал, самарадор) узвийлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш мезонларини касбий билимларни ўқитишнинг вариатив ва инвариатив дидактик функциялари “Ассесмент” технологияси бўйича ижодий лаёқатини ифодалаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш босқичлари ривожланиш мотивациясига таъсир этувчи омиллар ва ўзлаштириш даражаси кўрсаткичларини педагогик диагностика қилиш усуллари (специфик таҳлил, интенсив тренинг, муаммоли вазият, ностандарт тест) билан уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаси талабасини касбий ривожлантиришнинг ташкилий-методик ва технологик шарт-шароитлари аниқланган;

талабаларнинг касбий ўз-ўзини ривожлантириб бориши, бошқариш, назорат қилиш ва баҳолаш, мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантиришнинг муҳим омили сифатидаги мақсади, тамойиллари, мазмуни, методи ва воситалари аниқланган;

«Касбий педагогика» номли ўқув қўлланма нашр этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланилгани; тадқиқот вазифаларига мос келадиган, ўзаро бир-бирини тўлдирадиган тадқиқот методларининг қўлланилгани; тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланилгани, хулоса ва таклифларнинг амалиётга татбиқ қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасалари талабаларининг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш, креатив потенциали даражасини аниқловчи мезонлар ва даражалари, касбий ижодий қобилиятларни ривожлантириш йўллари, босқичлари ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда, ишлаб чиқилган олий таълим муассасаси талабаси касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг технологияси босқичлари, акмеологик моделидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасалари талабаларининг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

касбий омиллар (ижтимоий, маданий, мотивацион) ва касбий иждодий қобилиятлар интеграцияси орқали такомиллаштирилган олий таълим муассасалари талабаларининг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологиясига оид хулоса ва тавсиялардан “Педагогика” таълим соҳаси Давлат таълим стандартининг “5111100 – Касб таълими” бакалавриат таълим йўналиши малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 майдаги 89-03-3943-сон маълумотномаси). Натижада, умумкасбий фанлар бўйича интерфаол амалий машғулотларни ташкил этиш самарадорлигини оширишга эришилган;

касбий компетенцияни шакллантириш стратегиялари креатив йўл харитасига праксеологик узвийлиги бўйича такомиллаштирилган олий таълим муассасалари талабаларининг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг акмеологик моделига оид хулоса ва тавсиялардан “Касбий педагогика” ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи, 359-142 рақамли гувоҳнома). Натижада, бу таклиф талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилган;

“Ассесмент” технологияси бўйича касбий билимларни ўқитишнинг вариатив ва инвариатив дидактик функциялари орқали талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш мезонларини интегратив мувофиқлаштиришни такомиллаштиришга оид хулоса ва таклифлардан “Педагогика” таълим соҳаси Давлат таълим стандартининг “5111100 – Касб таълими” бакалавриат таълим йўналиши малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 майдаги 89-03-3943-сон маълумотномаси). Натижада, “Касбий педагогика” фанининг электрон ўқув-услубий мажмуаси ишлаб чиқилган;

талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш босқичлари орқали ривожланиш мотивациясига таъсир этувчи омиллар ва ўзлаштириш даражаси кўрсаткичларини педагогик диагностика қилиш усуллари (специфик таҳлил, интенсив тренинг, муаммоли вазият, ностандарт тест)ни такомиллаштиришга оид хулоса ва таклифлардан “Касбий педагогика” ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи, 359-142 рақамли гувоҳнома). Натижада, бу таклиф педагогика туркум фанларининг мазмунини бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 3 та мақола, 2 та республика ва 1 та хорижий журналларда мақола тарзида нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми масалалари ўз аксини топган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари талабаларида касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик муаммолари, талабаларда касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш жараёнининг тизимли таҳлили, таълим жараёнида талабаларда касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш жараёнининг зиддиятлари ва амалиётдаги мавжуд ҳолати масалалари баён этилган.

Асрлар ва цивилизацияларнинг тўқнашувида инсоният ҳаётининг барча соҳалари янги босқичга кириб боришга тайёрланиб бормокда. Биз ҳозирги вақтдаги олий педагогик таълим тизимида талабаларни касбий тайёрлаш соҳасидаги ўзгаришларнинг зарурати тўғрисида таъкидлаймиз. Мазкур тайёрловдаги асосий масалалардан бири талабаларнинг педагогик маданияти, унинг педагогик технологияларни эгаллаганлиги даражаси тўғрисидаги масалалар бўлиб, уларни ҳал этиш касбий-педагогик қобилиятларни, ижодий сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришга боғлиқдир.

Олий таълим муассасаси талабасининг касбий-ижодий қобилиятлари деганда касбий ижодий фаолиятнинг муайян кўриниши талабларига уларнинг мослиги даражасини тавсифловчи, унинг самарадорлиги даражасига боғлиқ бўлган, долзарб назарий ишланмаларни ҳамда инновацион амалий ечимларни мақсадга мувофиқ ва изчил ўзлаштиришга имкон берадиган, педагогик фаолиятнинг танланган соҳасида ўзининг ноанъанавий йўналишини излашга ундайдиган шахс сифатлари ва хусусиятларининг мажмуи тушунилади.

Аксарият илмий-тадқиқот ишларида биз тадқиқотчиларнинг турли хил касбий-педагогик ҳамда ижодий қобилиятларни таснифлашига интилишларига дуч келамиз. Ҳақиқатда ҳам бундай ёндашув – аниқ ва тушунарли моделни қуриш – уларни ривожлантириш бўйича рационал методик усулларни топиш имконини беради. Шунингдек, амалиётчилар тажрибасидан фойдаланиб, касбий-ижодий қобилиятларни ҳосил қилувчи қуйидаги блокларни ажратиш мумкин деб ҳисобладик:

Биринчи блок – ташкилий қобилиятлар. Ўқитувчининг таълим олувчиларни бирлаштириш, уларни машғул қилиш, мажбуриятларни тақсимлаш, ишни режалаштириш, амалга оширилганларга яқун яшаш каби кўникмаларида ифодаланади.

Иккинчи блок – дидактик қобилиятлар. Ўқув материални, кўргазмали материаллар, жиҳозларни танлаш ва тайёрлаш, ўқув материални тушунарли, аниқ, ифодали, ишончли ва изчил баён этиш, билишга оид қизиқишлар ва маънавий эҳтиёжларнинг ривожланишини рағбатлантириш, ўқув-билишга оид фаолликни ошириш аниқ кўникмаларида ифодаланади.

Учинчи блок – перцептив қобилиятлар, таълим олувчиларнинг маънавий оламларига кириб бориш, уларнинг эмоционал ҳолатларини объектив баҳолаш, психикаларининг хусусиятларини аниқлаш кўникмасида ифодаланади.

Тўртинчи блок – коммуникатив қобилиятлар. Улар ўқитувчининг таълим олувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкасблар, таълим муассасаси раҳбарлари билан педагогик мақсадга мувофиқ муносабатларни ўрнатиш кўникмаларида ифодаланади.

Бешинчи блок – суггестив қобилиятлар. Уларнинг моҳияти таълим олувчиларга эмоционал-иродавий таъсир этишдан иборатдир.

Олтинчи блок – тадқиқотчилик қобилиятлари, педагогик вазиятлар ва жараёнларни билиш ва объектив баҳолаш кўникмасида намоён бўлади.

Еттинчи блок – илмий-билишга оид қобилиятлар, танланган соҳадаги илмий билимларни ўзлаштириш санъатидан ташкил топади.

Саккизинчи блок – ижодий қобилиятлар, уларнинг моҳияти юзага келган муаммонинг ўз ноанъанавий ечимини кўра олиш кўникмасидан иборат.


Олий таълим муассасалари талабаларининг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологияси (тайёргарлик, маслаҳат, яқуний) касбий омиллар (ижтимоий, маданий, мотивацион) ва касбий-ижодий қобилиятлар интеграцияси асосида такомиллаштириш имконини берди (1-жадвалга қarang).

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари талабаларида касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш мазмуни”** деб номланган иккинчи бобида талабаларнинг касбий-ижодий ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари, талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини реал ҳолатларини аниқлаш, сифатли тавсифлаш ва баҳолаш усуллари ҳақида баён этилган.

Касбий-ижодий қобилиятлар тизими

№	Касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологияси	Касбий омиллар	Касбий-ижодий қобилиятлар тизими	Касбий-ижодий қобилиятлар мазмуни
1.	тайёргарлик	ижтимоий	мулоқот қилиш (коммуникатив) қобилияти	талабанинг ўқитувчилар ва курсдошлари билан аудитория ва аудиториядан ташқари жараёнларда гуруҳда ижобий руҳий иқлим яратади
			шахснинг ички қобилияти	ўз-ўзини билиш, тушуниш ва ҳис қилиш амалга оширилади
2.	маслаҳат	маданий	кинестетик (тери-мускул) қобилият	талабанинг ўз хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштиради, ҳаракат оҳангини ҳис қилиб йўнал-тиради, вақтни, ҳаракат суръатини ҳис қилади
			манتيкий қобилият	мулоҳаза юрита олади, мураккаб вазиятларни еча олади, сабабият ва натижаларни тушунади, воқеликда асосийни иккинчи даражасидан ажрата олади
3.	якуний	мотивацион	маҳсулдор ижодкорлик	белгиланган ҳар қандай касбий муаммо муваффақиятли ҳал қилинади
			эвристик ижодкорлик	жамиятда рўй бераётган касбий фаолиятга оид янгиликларни дадил ўзлаштириш ва тарғиб қилишни англатади, изчил амалга ошириш ва бунда янги ҳолатда дадил ҳаракат қилиш қобилияти, фикрлаш жараёни асосида тафаккурни ривожлантириш кузатилади
			креатив ижодкорлик	ижтимоий аҳамиятта эга бўлган янги назарияларни яратади, ўз фикрлари ва таклифлари билан чиқади

Мазкур тадқиқот ишимизнинг педагогик-методик мажмуидаги мавжуд турли хил усуллардан биз таҳлилий-танқидий англаш учун ўзининг умумийлигида муаллифлик методик яхлитлигини ташкил этувчи фақат саккизта усулларини ажратиб чиқдик. Касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш учун шарт-шароит сифатида хизмат қиладиган қўшимча усулларга ажратиш ўринлидир. Талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг акмеологик модели ривожлантиришнинг педагогик жараёнида дидактик таъминотдан фойдаланишидан иборат. Шунингдек, ривожлантириш босқичлари орқали мезонлар бўйича даражалари аниқланган (1-расмга қаранг).



1-расм. Талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг акмеологик модели

Олий таълим муассасасалари талабаларининг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг акмеологик мезонлари (касбий мотивация, шахсий-касбий сифатлар, ўзини ўзи бошқариш, рефлексивлик, креативлик) касбий компетенцияни шакллантириш стратегиялари (муаммоли, интерфаол, ижодий, имитацион, амалий, рефлексив) креатив йўл

харитасига праксеологик (амалий, рационал, самарадор) узвийлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган. Акмеологик мезон – бу талабанинг профессионаллиги, маҳсулдорлиги ҳамда шахсий ва касбий-ижодий ривожланишининг ўлчовидир. Акмеологик мезонлар касбий мотивация, шахсий-касбий сифатлар, ўзини ўзи бошқариш, рефлексивлик, креативликдан иборат.

Касбий компетенцияни муаммоли, интерфаол, ижодий, имитацион, амалий, рефлексив каби шакллантириш стратегиялари мавжуд. Креатив йўл харитаси лойиҳа, технология ҳамда назария ва тарих каби компонентлардан иборат (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

Касбий компетенцияни шакллантириш стратегиялари ва креатив йўл харитаси

№	Касбий компетенцияни шакллантириш стратегиялари	Креатив йўл харитаси	Креатив йўл харитасида бажариладиган ҳаракатлар
1.	муаммоли интерфаол	лойиҳа	касбий мазмундаги муаммоли вазият талабаларга топширилади, мазкур вазият асосида лойиҳа ишлаб чиқилади. Натижада талабалар ўртасида интерфаол муносабатлар кузатилади
2.	ижодий имитацион	технология	муаммоли вазият асосида ижодий топшириқлар ишлаб чиқилади, ижодий топшириқларни бажаришнинг технологик босқичларида имитацион шаклда тақдимотлар бажарилади
3.	амалий	назария ва тарих	муаммоли вазиятга оид педагогик назариялар билан таништирилади, тарихи таҳлил этилади, рефлексив хатти-ҳаракатлар умумлаштирилиб, хулоса қилинади

Талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш мезонлари (репродуктив, продуктив, креатив)ни касбий билимларни ўқитишнинг вариатив ва инвариатив дидактик функциялари “Ассесмент” технологияси бўйича ижодий лаёқатини ифодалаш асосида такомиллаштирилган. Касбий-ижобий қобилиятларни ривожлантиришда инвариант ва вариатив дидактик функцияларни алоҳида ўрганиб чиқдик. Биринчи навбатда, вариатив дидактик функциялар деганда, олий таълим муассасаларида талабаларга таълимда формал ўқитишдан ҳоли бўлган ҳолда, таълим мазмунини ҳар хиллаштириш ва ўзгартиришга эришиш эканлиги англанади. Инвариант дидактик функциялар вариатив дидактик функциялар акси бўлиб, касбий-ижобий қобилиятларни ривожлантиришда таълим мазмунини бир хилликка эришишидир. Талабаларда касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш мезонлари қуйидаги касбий-ижодий

қобилиятлар тузилмасини ҳосил қилувчи блоклар орқали ишлаб чиқилди (3-жадвалга қаранг):


3-жадвал.

Талабаларда касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш мезонлари

№	Мезон	Мезон мазмуни	Блоклар	Мезон асосида баҳоланувчи билим, кўникма ва малакалар
1.	Репродуктив	Касбга оид ахборот билан ишлаш кўникмаларни ҳосил қилиш учун репродуктив даражадаги топшириқларни бажариш талаб этилади	1-3	-таълим олувчиларни бирлаштириш, уларни машғул қилиш, мажбуриятларни тақсимлаш, ишни режалаштириш, амалга оширилганларга якун яшаш; -ўқув материални, кўргазмали материаллар, жиҳозларни танлаш ва тайёрлаш, ўқув материални тушунарли, аниқ, ифодали, ишончли ва изчил баён этиш, билишга оид қизиқишлар ва маънавий эҳтиёжларнинг ривожланишини рағбатлантириш, ўқув-билишга оид фаолликни ошириш; -таълим олувчиларнинг маънавий оламларига кириб бориш, уларнинг эмоционал ҳолатларини объектив баҳолаш, психикаларининг хусусиятларини аниқлаш ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш
2.	Продуктив	Касбий мулоқотни амалга ошира олишга қаратилган топшириқлар тупламидан иборат бўлган продуктив даражага мансуб вазифаларни бажариш талаб этилади	4-6	-таълим олувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкасблар, таълим муассасаси раҳбарлари билан педагогик мақсадга мувофиқ муносабатларни ўрнатиш; -таълим олувчиларга эмоционал-иродавий таъсир этиш; -педагогик вазиятлар ва жараёнларни билиш ва объектив баҳолаш ҳақидаги билим, кўникма ва малакалар
3.	Креатив	Касбий-педагогик фаолиятга оид муаммоли вазиятларни ҳал қила билишга оид ижодий ёндашувни талаб қиладиган креатив даражадаги топшириқлар тизимидан иборат	7-8	-танланган соҳадаги илмий билимларни ўзлаштириш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш; -касбий фаолият моҳиятини ўзлаштириш соҳасида юзага келган муаммонинг ўз ноанъанавий ечимини кўра олиш ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларидан ташкил топади

Талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш босқичлари ривожланиш мотивациясига таъсир этувчи омиллар ва ўзлаштириш даражаси кўрсаткичларини педагогик диагностика қилиш усуллари (специфик таҳлил, интенсив тренинг, муаммоли вазият, ностандарт тест) билан уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Шахснинг ривожланиш даражасига кўра касбий-ижодий қобилиятнинг ривожланиши мотивациясига таъсир этувчи омилларнинг уч гуруҳини ажратишни талаб қилади (2-расмга қаранг):



2-расм. Касбий-ижодий қобилиятнинг ривожланиш мотивациясига таъсир этувчи омиллар

Шахснинг ривожланиш жараёни бир қанча омиллар таъсирида содир бўлади. Булар ирсият, яъни биологик омил, таълим-тарбия ва шахс фаоллиги (ижтимоий омил) шахсни шакллантиришнинг асосий омиллари деб тушунилади. Фаолиятнинг ихтиёрий кўриниши мотивация билан боғлиқ ҳисобланади. Касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш мотивацияси олий таълим муассасасини танлаш мотивларида кўринади.

Олиб борилган тадқиқот натижасида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида фаоллаштирувчи, мустақил ҳаракатга ундовчи ва доимий янгиликка интилишга қаратилган таълим технологиялари ишлаб чиқилди. Ушбу технологияларнинг назарий жиҳатлари, амалда қўллаш имкониятлари ва афзалликлари ўрганилди. “Ҳаракатга йўналтирилган таълим” технологиясида талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган ўқув жараёнини иш-ҳаракат билан ўқитиш асосида ташкил этиш ва ўтказиш орқали талабаларда касбий ва шахсий компетенцияларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш ғояси илгари сурилади.

Мазкур технология бўйича воситалар фаолиятнинг бошқа компонентлари билан алоқаси касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш жараёнида юзага келади ва унинг ривожланиши билан ўзгариб боради. Қобилиятларнинг муайян даражаси учун долзарб ҳисобланган вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган ўрта муддатли мақсадларни белгилаш касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш жараёнининг оптималлигини таъминловчи воситалар мажмуини аниқлаш-тиришга имкон беради. Ўқитувчи томонидан ҳам ва ўз-ўзини такомиллаштирувчи, ўз-ўзини ривожлантирувчи талаба томонидан ҳам белгиланадиган жорий мақсадлар воситалар тўпламидан энг самаралисини ажратиш ва уларни касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш жараёнида қўллаш имконини беради.

Педагог учун асосий касбий-меёрий кўрсаткич – бу биринчи навбатда ўз ҳолатини педагогик жараёнда бунёдкор сифатида ҳис этиши ва англаб

етишидир. Педагог ўзининг иш фаолиятига хусусий касбий яроқлилигини, педагогик воқеликдаги ўз ўрнини баҳолай олмас экан, ундан ҳеч қачон ижодкорликни талаб қилиб бўлмайди. Демак, педагогик фаолиятга кириб келаётган ҳар бир талаба унга мослашувчанлигини, шу касбга лаёқати, қизиқиши борлигини тўлиқ тасаввур этиши лозим.

Касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш жараёнини ташкил этиш шаклларига аудитория иш шакллари (муаммоли маърузалар, муаммоли семинар машғулотлари) ҳамда аудиториядан ташқари шакллари (эвристик суҳбатлар, экскурсиялар, кўргазма, танлов, бадий ижод, меҳнатнинг турли кўринишлари ва бошқалар)ни киритамиз. Ифодаланган жараёни ташкил этишнинг санаб ўтилган шакллари воситалар билан умумлаштиришнинг тўғри танлови касбий ижодий қобилиятларни ривожлантириш жараёнини оптимал бошқаришни таъминлайди.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари талабаларида касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, мазмуни, тажриба-синов натижаларининг математик-статистик таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақида маълумотлар берилган.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасалари талабаларининг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида тажриба-синов ишлари ташкил этилди.

Тажриба-синов ишлари 2018-2020 йилларда Андижон машинасозлик институти, Тошкент давлат техника университети, Жиззах политехника институти 5111000 – Касб таълими (Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси) бакалавриат таълим йўналиши 2-3-4 курс талабаларидан жами 448 нафари билан олиб борилди. Танлаб олинган таълим муассасаларининг ҳар бир босқичларидан иккитадан гуруҳлар танланиб, улардан бири тажриба гуруҳи ва иккинчиси назорат гуруҳига ажратилиб, уларнинг ҳар бир босқичдаги иштирокчилар сони аниқланди (4-жадвалга қаранг):

4-жадвал.

Тажриба-синов ишларида қатнашган талаба-респондентлар

№	ОТМлар	Гуруҳлар	Иштирокчилар сони			
			2-босқич	3-босқич	4-босқич	жами
1.	АндМИ	Тажриба гуруҳи	24	24	25	73
		Нazorat гуруҳи	22	25	26	73
2.	ТДТУ	Тажриба гуруҳи	25	25	25	75
		Нazorat гуруҳи	26	26	25	77
3.	ЖизПИ	Тажриба гуруҳи	26	25	26	77
		Нazorat гуруҳи	24	25	24	73
4.	Жами	Тажриба гуруҳи	75	74	76	225
		Нazorat гуруҳи	72	76	75	223

Тажриба-синов ишлари аниқлаштирувчи ва шакллантирувчи каби икки босқичда амалга оширилди. Талабалар касбий фаолиятини ривожлантириш

учун аввало режа тузиш, таҳлил қилиш ва дарс машғулотларини ўтказишда талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятлари қай даражада касбий билимларга эга эканлик ҳолатини аниқлаш ишларини олиб борилиши зарурдир. Аниқлаштирувчи босқичда тадқиқот давомида илгари сурилган ғояларни талабаларнинг амалдаги фаолиятига таъсири ўрганилади. Касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш бўйича илгари сурилаётган ғояларга тушунмаслик ҳолатлари аниқланади ва уни бартараф этувчи воситалар ва ишланмалар яратиш режалаштирилади. Шакллантирувчи босқичда эса касбий фанлар ўқув жараёнини такомиллаштириш, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш ва уларни таҳлил қилиш, талабаларнинг аудиториядан ташқари ишлари асосида касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ушбу вазифаларни амалга ошириш бўйича мақсадга йўналтирилган фаолият ташкил этилади.

Ҳар иккала босқичда ҳам олий таълим муассасаси талабасининг касбий-ижодий қобилиятларини аниқлашдаги баҳолаш даражаларига эътибор қаратилди. Бу баҳолаш даражаларида муҳим компонентлар ва касбий-ижодий компонентлар тузилмасидаги блоклар орқали бериладиган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши лозим бўлган даражаларга ажратилган ҳолда амалга оширилди. Талабаларнинг касбий-ижодий фаолиятнинг долзарб назарий ишланмаларини ҳамда инновацион амалий ечимларини мақсадга мувофиқ ва изчил ўзлаштиришга имкон берадиган, педагогик фаолиятнинг танланган соҳасида ўзининг ноанъанавий йўналишини излашга ундайдиган шахс сифатлари ва хусусиятларининг намоён бўлиши ҳам ҳисобга олинади.

Олий таълим муассасаси талабасининг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг баҳолаш мезонларига кўра билим даражалари аниқлаштирилди. Бундай билим даражаларини аниқлашда “юқори”, “ўрта” ва “қуйи” кўрсаткичлардан фойдаланилди (5-жадвалга қаранг):

5-жадвал.

Ўзлаштириш даражаси кўрсаткичлари

Даражалари	Баҳолаш мезонлари
Юқори	Мезон асосида баҳоланувчи билимларга эга, ушбу билимларни амалиётга татбиқ этиш кўникма ва малакалари мавжуд бўлган талабаларга
Ўрта	Мезон асосида баҳоланувчи билимларга эга, ушбу билимларни амалиётга татбиқ этиш кўникма ва малакаларида хатоликлар мавжуд бўлган талабаларга
Қуйи	Мезон асосида баҳоланувчи билимлари тарқоқ, ушбу билимларни амалиётга татбиқ этишда қийинчиликлари мавжуд ва хатоларга йўл қўядиган талабаларга

Бу мезон ва баҳолашнинг билим даражаларни аниқловчи кўрсаткичларидан олинган натижаларнинг ўртача қиймати талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш даражалари бўйича асосий кўрсаткичлар деб олинди. Тажриба-синов ишлари юқоридаги мезонлар ва билим даражалари бўйича тавсия этилаётган касбий-ижодий қобилиятларни

ривожлантиришнинг тайёргарлик, асосий ва якунловчи каби уч босқичларида ташкил этилди.


Тайёргарлик босқичи. 2-курслар – мослашиш даври, бунда талабаларнинг таклиф этилаётган мезонлар ва билим (ўзлаштириш) даражалари бўйича дастлабки синов ишлари олиб борилди ва уларнинг касбий-ижодий қобилиятларининг шаклланганлик даражалари аниқланди. Шундан сўнг бу даврда талабаларга касбий-ижодий қобилиятларининг ривожланишига оид семинарлар ва давра суҳбатлари ташкиллаштирилди. Ташкил этилган семинар ва давра суҳбатлари инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Ўтказилган машғулотларнинг талабалар томонидан қай даражада ўзгаштирганлигини билиш мақсадида тест синовлари ўтказилди. Бу эса тажриба гуруҳларидаги билим даражалари назорат гуруҳларидаги билим даражаларига нисбатан қисман сезиларли даражада ортишига олиб келди.

Асосий босқич. 3-курслар – психологик-педагогик фанларни ўзлаштириш босқичи. Бунда талабаларнинг таклиф этилаётган мезонлар ва билим (ўзлаштириш) даражалари бўйича касбий-ижодий қобилиятларининг ривожланиши психологик ва педагогик фанлар доирасида текшириб кўрилди. Бу босқичда ҳам дастлабки ва якуний натижалар олинди. Бу эса тажриба гуруҳларидаги билим даражалари назорат гуруҳларидаги билим даражаларига нисбатан сезиларли даражада ошганлиги, тажриба гуруҳларида олиб борилган тадқиқот ишлари самарали эканлигига олиб келди.


Якунловчи босқич. 4-курслар – бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-ижобий қобилиятлари тузилмасидаги кўпгина янги касбий фанлар ҳосилалари мужассамлаштирилган ва касбий-ижодий қобиятларини амалиётда синаб кўриш, яъни талабаларнинг ҳақиқий педагогик воқелик билан дуч келишлари жараёнида амалга оширилди. Бунда касбий фанларни ўзлаштириш даражалари, педагогик амалиётдаги фаолияти ҳамда келгуси илмий ижодий фаолиятларни кузатиш ва таҳлил қилиш асосида натижалар олинди. Бу эса тажриба гуруҳларидаги билим даражалари назорат гуруҳларидаги билим даражаларига нисбатан яққол сезиларли даражада ошганлиги тажриба гуруҳларида олиб борилган тадқиқот ишлари самарали эканлигини кўрсатди.

Тажриба-синов ишларида қиёсий таҳлилда қилинган хулосаларнинг тўғрилигини, олинган натижалар ҳаққонийлигини ва ўқитиш самарадорлигини ошганлигини текшириш, уларнинг нормал тақсимотга бўйсинишини кўриш мақсадида тажриба-синов ишларининг натижалари статистик таҳлили ўтказилди. Ушбу статистик таҳлил математик статистик усулларида бири Стьюдентнинг Т статистикаси орқали текширилиб, уларнинг нормал тақсимотга бўйсунishi, ўртача қийматларнинг тенглиги ҳақидаги гипотеза илгари сурилиди ва ишонч оралиқлари орқали текширилиб кўрилди. Тадқиқот натижаларини ўзлаштириш самарадорлиги ҳамда талабаларнинг билимини баҳолаш даражалари қай даражадалиги аниқланди.

Тадқиқот ишларидаги ўқитиш сифатини баҳолаш кўрсаткичлари бирдан катталиги ҳамда талабаларнинг билиш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари нолдан катталигига олиб борилган тадқиқот ишларнинг самарадорлигидан далолат беради. Мазкур тажриба-синов ишларининг ҳар бир босқичлардаги умумий ҳолатдаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ва самарадорлик кўрсаткичларини ифодаловчи диаграмма кўринишларини келтирамиз (3-4-расмларга қаранг):



3-расм. Ўзлаштириш кўрсаткичлари



4-расм. Самарадорлик кўрсаткичлари

Ушбу диаграммалар ва юқоридаги ҳисобларга кўра тажриба гуруҳларида олиб борилган тадқиқот ишларининг натижаси назорат гуруҳлардаги натижадан 19% га юқори эканлиги тўлиқ исботланди.

Олинган натижалардан касбий-ижодий қобилиятларни самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва ривожланганлик даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Демак, талабаларда касбий-

ижодий қобилиятларни ривожлантириш орқали таълим жараёни самарадорлигига оид тажриба-синов ишлари самарали экан.

ХУЛОСА

“Олий таълим муассасалари талабаларининг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш” мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Олий таълим муассасалари талабаларида касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг педагогик-психологик имкониятлари муаммонинг мавжуд ҳолатини ўрганишни талаб этади. Шунингдек, талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологияси касбий омиллар ва касбий-ижодий қобилиятларни тизимлаштириш асосида такомиллаштирилди.

2. Олий таълим муассасасалари талабаларининг касбий-ижодий қобилият-ларини ривожлантиришнинг акмеологик модели касбий компетенцияни шакллантириш стратегияларини креатив йўл харитасига оптималлаштириш асосида такомиллаштирилди.

3. Талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш мезон-лари касбий билимларни ўқитишнинг вариатив ва инвариатив дидактик функциялари асосида аниқланди. Мазкур функциялар “Ассисмент” технологияси бўйича иждодий лоёқатни ифодалаш асосида такомиллаштирилди.

4. Олий таълим муассасаси талабасининг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш босқичларини аниқлаш натижасида ривожланиш мотивациясига таъсир этувчи омиллар ва ўзлаштириш даражаси кўрсаткичлари оптималлаштирилди.

5. Олий таълим муассасалари талабаларининг касбий-ижодий қобилият-лари ривожланишида малакали мутахассиснинг юзага келадиган ўқув-тарбия вазифаларини ҳал этиш жараёнида самарали методик усулларни излаш ва амалий фойдаланишда фаолликни намоён этишга ундовчи сифатида хизмат қилишлари аниқланди.

6. Талабаларда касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шароитлари олий таълим муассасаси ўқитувчиларининг мазкур йўналишдаги олиб борадиган касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш-нинг муваффақиятига кўмаклашадиган ҳаракатлантирувчи кучларининг таъсирини оптимал ташкил этишнинг зарурий шарти сифатида белгиланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

СИРОЖИДДИНОВА ИРОДА МАХАММАДОВНА

**РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ
У СТУДЕНТОВ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.1.PhD/Ped1391.

Диссертация выполнена в Андижанском машиностроительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Хакимова Мухаббат Файзиевна
доктор педагогических наук, профессор

Исакулова Нилуфар Жаникуловна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация:

Чирчикский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в ____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Будёдок, дом 27. Тел.: 99871 276-79-11; факс: 99871 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрировано за № ____). Адрес: 100011, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Будёдок, дом 27. Тел.: 99871 276-79-11; факс: 99871 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 г.

(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2020 г.).

Р.Х.Джуроев

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.пед.н., профессор

Р.Г.Исянов

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
к.пед.н.

А.Х.Махмудов

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.пед.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в образовательный процесс высших учебных заведений мира внедрены креативные механизмы развития профессионально-творческих способностей студентов. В связи с этим проводится системная работа по развитию профессионально-творческих способностей студентов в высших учебных заведениях, моделированию учебного процесса, созданию электронных информационных образовательных ресурсов, использованию современных педагогических и информационно-коммуникационных технологий, развитию творческой компетентности студентов, внедрению системы организационно-методического обеспечения студентов “тьютор-студент”, развитию самостоятельной учебной деятельности.

В высших учебных заведениях мира ведутся научно-исследовательские работы по развитию профессионально-творческих способностей учащихся, организации образовательного процесса на основе медиатехнологий, развитию педагогических возможностей развития профессионально-творческих способностей. В связи с этим проводятся научные исследования по профессиональным проблемам, проверке научных гипотез, выявлению профессиональных проблем, определению самостоятельно мыслящих образовательных стратегий, созданию механизмов непрерывного обновления и развития профессионально-творческих способностей, организации дифференцированного подхода, формированию кооперативного, учебно-дискуссионного и медиативного (приоритетного среды беспристрастного обслуживания) образования формирования сотрудничества в студенческом коллективе, организации корпоративного обучения на основе технологий e-learning и m-learning, совершенствованию корпоративной базы данных.

Созданы правовые нормативные основы дальнейшего совершенствования системы повышения креативного потенциала студентов высших образовательных учреждений Республики, развития профессионально-творческих способностей, формирования навыков самостоятельного мышления, создания учебных планов, программ и литературы, развита материально-техническая база системы образования. Определены такие задачи, как “Повышение уровня охвата высшим образованием, подготовка высококвалифицированных, творчески и системно мыслящих кадров, способных принимать самостоятельные решения на основе международных стандартов, создание необходимых условий для проявления их интеллектуальных способностей и формирования как духовно компетентной личности”². Важную роль в развитии профессионально-творческих способностей студентов играет использование когнитивно-информационной, личностной, культурной, компетентностной парадигм, диагностика качества обучения, проектирование критического мышления и

²Указ Президента Республики Узбекистан № 5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года.

развивающих образовательных технологий, реализация синергетической интеграции высшего образования и производства при подготовке современных специалистов.

Данное исследование в определенной мере служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5847 от 8 октября 2019 года “Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года”, Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3271 от 13 сентября 2017 года “О Программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения”, Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3775 от 5 июня 2018 года “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах”, а также в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. “Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства”.

Степень изученности проблемы. Проблемы совершенствования подготовки преподавателей труда и профессионального образования раскрыты в исследованиях Ш.С.Абдураимова, Р.А.Абдухаирова, О.Г.Авазбоева, А.И.Воробьева, Р.Х.Джураева, Р.Т.Исянова, Н.А.Муслимова, Д.Н.Маматова, О.Магдиева, П.Т.Магзумова, Н.Сайдахмедова, О.К.Толипова, У.Нишоналиева, А.Р.Ходжабоева, С.Ш.Шарипова, К.Давлатова, Г.С.Насриддиновой, Н.Ш.Шодиева, Э.Чориева.

В процессе научных исследований в странах СНГ концепции формирования педагогического мастерства рассматривались в трудах П.Р.Атутова, Е.А.Гришина, Ю.К.Васильева, В.А.Крутецкого, Н.В.Кузьминой, Л.М.Митиной, В.А.Сластенина, А.И.Щербаковой, психологические теории формирования личности и ее сущность исследовались А.А.Абулханова-Славской, А.А.Леонтьевым, А.Н.Леонтьевым, В.С.Мерлиным, С.Л.Рубинштейном, теоретические идеи формирования профессиональной культуры педагога посвящались работы В.С.Библера, Л.П.Будевой, Н.Д.Никандрова, Г.В.Платонова, сущность и содержание саморазвития учителей изучалось С.Я.Батышевым, В.С.Безруковой, В.А.Кан-Каликом, Н.В.Кузьминой, С.М.Марковой.

В европейских странах учеными C.Rogers, H.J.Freiberg, T.Barrett, R.Donnelly, Afzal Sadat Hosseinia, Norman Jackson, Martina Blašková, Mark McMahon, Andrew Ewing, Robyn Philip B.A., Ed.GradDip были проведены исследования, посвященные творчеству личности.

Связь темы диссертационного исследования с планами научно-исследовательской работы высшего образовательного или научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Андижанского машиностроительного института в рамках международного научно-практического проекта “Создание синергетической интеграции высшего образования и промышленности в Узбекистане (SYNERGY)” (2018-2020 гг.).

Цель исследования состоит в разработке научных рекомендаций по развитию профессионально-творческих способностей у студентов высших учебных заведений.

Задачи исследования:

изучить современное состояния проблемы организации педагогических и психологических возможностей для развития профессионально-творческих способностей студентов высших учебных заведений;

